ЗАРДУШТ ФАОЛИЯТИ ВА ХИТОБЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА

Ш.ВАЛИЕВ

Мақолада “Авесто”га ҳамда у ҳақда кейинги ўн йилликда эълон қилинган манбаларга таяниб Зардуштнинг зиддиятли ҳаёт йўли ёритилган, унинг ўз даври донишманди, шоири, воизи ва якка худолик дини кашшофи сифатида дунё маданиятига қўшган қадриятлари ҳақида фикр юритилган. Зардуштнинг оила, никоҳ, таълим-тарбия ҳақидаги хитобларининг ижтимоий ва тарбиявий аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: *Зардушт, зардуштийлик дини, “Авесто”, “Вендидод”, Гоҳлар, Ахура Мазда, Ахриман.*

В статье, опираясь на текст “Авесты” и на опубликованные за последнее десятилетие материалы о нем, освещен противоречивый жизненный путь Заратустры, его вклад в мировую цивилизацию как мыслителя, поэта, проповедника и пионера монотеизма. Раскрывается социальное и воспитательное значение высказываний Заратустры, посвященных семье и браку.

Ключевые слова: *Заратустра, зараостризм, «Авеста», «Вендидод», Гахи, Ахура Мазда, Ахриман.*

Relying on teachings of “Avesto” the author tryies to describe the controvercial way of Zardusht’s life. The author pays attention to his ability of wise poet and speaker of his time and the leader of the religion of the

idea of a single god as well as his contribution to the world culture. The article discloses the social and educational importance of Zardusht's ideas on family life, education, etc.

Key words: *Zorotustra, Zoroastrism, "Avesto", "Vendidod", Akhura Mazda, Akhriman.*

Маълумки, ҳар қандай халқнинг миллий мафкураси сиёсий ғоялар билан бирга ўз ўтмишидаги фалсафий, тарихий ва диний илдизларига асосланади. Мазкур тамойилга биноан ёндашсак, эрамиздан аввалги VI–V асрларда вужудга келган, кейинча улкан ҳудудга тарқалиб ўнлаб халқлар эътиқодига айланган ва қадриятлари ҳамон яшаб келаётган зардуштийлик дини миллий мафкурамиз асосларидан бири эканлигини табиий ва қонуний бир ҳол, дея оламиз. Зеро, зардуштийлик илк монотеистик динлардан бири сифатида эрамиздан аввалги VI–V асрларда қадимги Хоразмда шаклланган. Унинг марказида борлиқ нур ва тун, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш асосида мавжуд деган таълимот ётади. Зардуштийлик талқинига кўра, замин – кураш майдони, кишилар эса курашувчи жангчилар, курашнинг сабаби яхшилик ва ёмонликнинг ўзаро зидлигидир. Инсон – номукаммал, у комиликка интилади, бунинг учун эса унинг фикри ҳам, сўзи ҳам, амалиёти ҳам чиройли, гўзал бўлиши шарт. Сўнгги уч калима зардуштийликнинг муқаддас манбаи "Авесто"да илгари сурилган қарашларнинг марказида туради.

Зардуштийлик маънавий юксалиш учун инсонга сув ва ҳаводек зарур шифобахш ҳикматлар, қонун-қоидалар тақдим қилади. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Авесто"да ифодаланган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиришига яна бир карра амин бўламиз" [1.31]. Ижтимоий ҳаётнинг устувор ғояси сифатида "Авесто"да илгари сурилган қарашлар бизнинг бугунги кундаги ижтимоий-маънавий ислоҳотларимиз билан чамбарчас боғланган. Чунки зардуштийлик ғоялари умуминсоний моҳиятга эга. Шу боис бу ғоялар қадимги юнон фалсафаси ривожига самарали таъсир кўрсатган. Қолаверса, улар христианлик ва ислом дини маърифати билан ҳам ҳамоҳанглик хусусиятига эга. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, зардуштийлик дини ва у илгари сурган таълимотларни билиш тарих фалсафасининг шаклланишига, миллий ғоямизнинг тарихий-фалсафий илдизлари нақадар чуқур ва қимматли эканлигини англашга, ёшларни муқаддас маънавий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Шунга кўра зардуштийлик динининг асосчиси Зардуштнинг таржимаи ҳоли, диний ислоҳотчилик фаолияти, бу диннинг ўнлаб халқлар эътиқодига айланиш омиллари, Зардушт ҳикматларининг минг йиллар давомида улкан ҳудудда ҳукмрон мафкура сифатида жамият равнақига таъсири масалаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Буюк немис файласуфи Гегель зардуштийлик дини ҳақида: "Бу – чинакам зиё ва яхшилик динидир. Унда зиё зулматга, яхшилик зулмга қарама-қарши қўйилади", деб ёзади ва Зардуштни бу соҳада реформатор деб атайди [2.23]. Таниқли рус олими С.Ф.Ольденбург "Зардуштийлик – инсоннинг ер юзидаги ҳаётини енгиллаштиришга, уни бахтиёр қилишга қаратилган энг оқилона дин" [3.20] деб таърифлайди.

Юқоридаги таърифлар зардуштийлик динининг асосчиси Зардушт инсоният тафаккури тарихида буюк донишманд сифатида ном қолдирганлигини тасдиқлайди. Чиндан ҳам зардуштийлик дини минтақамиз халқлари, хусусан, ўзбек халқининг нафақат диний, балки фалсафий, ахлоқий, эстетик тафаккури, маданияти тараққиётида муҳим роль ўйнади. Ҳозирга қадар ўзбек халқининг онгу шуури, менталитети, урф-одатларида мазкур дин таълимотига алоқадор қарашларнинг сақланиб келаётгани ҳам бунинг исботи бўла олади.

Яқин-яқинларгача Зардуштнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумотлар ғоят оз, борлари ҳам шубҳали эди. Бинобарин, зардуштшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири ана шу бўшлиқни тўлдириш ҳисобланарди.

Мустақиллик йилларида фикрлар ва мафкуралар эркинлигининг ҳуқуқий кафолатланиши зардуштийлик ва "Авесто"ни холис тадқиқ қилишга йўл очди. Натижада "Авесто" илк бор ўзбек тилига таржима қилинди. Йил сайин мазкур китоб ва унинг асосчисига доир янги-янги тадқиқотлар эълон қилина бошлади. Уларда биз фикр юритаётган муаммога алоқадор қимматли маълумотлар илгари сурилади. Ана шундай манбалардан бири Ҳамиджон Ҳомидийнинг "Авесто"дан "Шоҳнома"га" номли монографиясидир. Унда Зардуштнинг таржимаи ҳоли ва диний ислоҳотчилик, олимлик, шоирлик, воизлик фаолияти янги маълумотлар асосида талқин қилинади. Муаллиф ишонарли манбалар асосида Зардуштнинг таржимаи ҳоли, диний ислоҳотчилик фаолияти, ўзи асос солган динни замондошлари эътиқодига айлантириш учун курашлари, бу йўлдаги муваффақиятлари ҳамда ҳаётининг фожиавий якунланишига оид маълумотларни беради.

Яқин-яқинларгача, зардуштийликнинг ватани хусусида немис олими Ф.Альтхаймнинг қуйидаги қараши эътироф этилган эди: “Зардуштра бешиги Оксус (Амударёнинг қадимги номи – Ш.В.) соҳилларида бўлган, унинг номи билан аталган дин ўша ердан чиққан” [3.23]. Бироқ кўпчилик шарқшунослар бу фикрга шубҳа билан қарадилар ва уни далиллаш, исботлаш масаласи узоқ вақт очиқ қолди.

Ва ниҳоят, 1997 йилда Теҳрондаги “Бунёди Нишопур” нашриёти кекса олим Эҳсон Баҳромийнинг 20 йил давомида 100 минг белгини изоҳлаган 4 томли “Авесто” калималари луғати”ни чоп этди. Унда мазкур нашриёт бошлиғи Фаридун Жунайдийнинг катта сўзбошиси берилган. Луғат муаллифининг ташаббуси билан кекса бир китобфурушдан “Авесто”нинг 21 китоби жамланган қадимги бир нусхаси топилган ва “Бунёди Нишопур” кутубхонасига олинган.

Луғатда Зардушт шажараси, ота-онаси, ака-укалари, барҳаёт хитоблари, донишмандлик фаолиятига оид қимматли маълумотлар келтирилган. Мазкур китоб, ҳеч шубҳасиз, фан ва амалиёт учун ғоят аҳамиятли воқеадир. Чунки эндиликда биз Зардушт ҳаёти ва фаолияти бўйича тўлароқ билимга эга бўла оламиз.

Зардушт эрадан аввалги 623 йилда Хоразм воҳасидаги Спитома уруғига мансуб Пурушасп оиласида дунёга келди. Онаси Дуғдова Спитома уруғ сарбони Фароҳимнинг қизи бўлган. Ота-она янги туғилган учинчи ўғилга Зардушт исмини беришди. Баъзи авестошунослар фикрича, бу исм “Заррин ёруғлик соҳиби” маъносини билдиради.

Зардуштнинг туғилиши ҳақида “Авесто”нинг “Мансур Яштлар” боби “Фарвардин” қасидасида мана бу қувончли ҳолат куйланади:

– у туғилган чоғда ва ардоқланганда сувлар, гиёҳлар шодмон бўлдилар.

– у туғилган чоғда ва ардоқланганда сувлар, гиёҳлар қувондилар.

– у туғилган чоғда ва ардоқланганда Спандийму яратган жамики мавжудот мужда бердилар [4.261].

Пурушасп яхши орзу-умидлар билан ўғлининг тарбиясига алоҳида ғамхўрлик қилди. Зардушт етти ёшидан ўн беш ёшигача ўша даврнинг ҳикматшунос, шоир, устози Барзин Курас қўлида таълим олди. У, асосан, жамиятшунослик, табиатшунослик, бадиий адабиёт, воизлик санъати билимларини эгаллади, кўплаб шеърларни ёд олди, қабиладаги чавандозлардан ҳарбий сабоқ олди. 16 ёшида Турон–Эрон ўртасидаги жангда иштирок этди. Бегуноҳ ёш жангчиларнинг ҳалок бўлганини кўриб, изтироб чекди. Уруш, қабилалараро низолар, зулм, зўрлик, меҳр-оқибатсизлик, сон-саноқсиз қурбонлар, турли бут-санамларга сиғинишларни кўриб, бу иллатларга қандай барҳам бериш, қандай қилиб тинч, осойишта турмушни таъминлаш, уни адолат ва яхшилик нури билан нурафшон қилиш ҳақида ўй суради. Бу муаммоларга жавоб олиш мақсадида отаси ташкил қиладиган улуғлар мажлисларида қатнашади. Қишлоқма-қишлоқ юриб, одамларнинг оғир аҳволи, азобини кўриб ачинар, турли-туман диний эътиқодлар туфайли юз бераётган қонли тўқнашувлар гувоҳи бўларкан, буларнинг барчаси Зардуштни ўйга толдиради.

Бу руҳий изтироблар таъсирида замондошларининг ижтимоий аҳволига нажот йўлини излаган Зардушт оиласини тарк қилиб, Сарбон тоғига йўл олади ва йигирма йил ғорда табиат неъматларини истеъмол қилиб, бу вақтнинг ярмини тафаккур уммонига ғарқ бўлиб, якка худо Ахура Маздани кашф этишга, иккинчи ярмини яратувчини мадҳ қилувчи жами бир миллион байтли қўшиқларни яратишга сарфлади.

Ниҳоят, Зардушт 39 ёшга етганда ғойибдан шундай ваҳий келади; “Эй Спитамон фарзанди. Мен сени ҳамма мўътабарлардан мўътабарроқ қилиб яратдим ва сени ўзимга меҳрибон қилдим. Халқ ҳузурига борадиган вақт етди. Тур, узлат манзилини тарк эт, замон аҳлини ростлик, яхшилик ва ҳақиқат сари даъват этиш вақти келди!” [2.9].

Ўша ваҳийдан сўнг Зардушт Тангрининг элчиси сифатида турли ижтимоий табақаю тоифалар орасида кўпхудоликнинг зарари, Ахура Мазда таълимотининг афзаллиги ҳақида ваъзлар қилиб, унга даъват қила бошлади. У кўпхудоликка эътиқод қилиш ва бу билан боғлиқ эски урф-одатлар кишилар эркини кишанлаб, яхши яшашларига ғов эканлигини ҳаётий мисоллар билан тушунтиради. Чиройли фикр, чиройли сўз ва чиройли амалга даъват қилувчи Ахурага эътиқод қилиш эса нажот йўли эканлигини ишонарли, жозибадор нутқларида тарғиб қилади.

Тез орада турли касб эгалари, ҳатто нуфузли зотлар ҳам Зардушт динига кириб, янги динни тарғиб қила бошладилар. Бу ҳайрли ишда Зардуштга унинг амакиваччаси Мадиюнмоҳ, унинг ўғли Арасту ва ўнлаб турли қабила бошлиқлари ёрдам кўрсатдилар.

Янги дин тарафдорларининг кўпайиб бораётгани ҳақидаги хабар Турон ҳокими Аржасуга етиб боргач, у Зардуштни қўлга олиб, дорга осиш ҳақида фармон беради. Кўпхудолик тарафдорлари бу фармонни бажариш учун ҳаракатни авж олдирадилар. Шундан сўнг вазият тақозоси билан Зардушт ва унинг 300 нафар тарафдори қўшни Эрон заминига ҳижрат қилишга мажбур бўладилар.

Муҳожирлар дастлаб Шимолий Эрон шаҳар ва қишлоқларида ўз динларини тарғиб қиладилар. Хабарларга қараганда, Зардушт ва унинг тарафдорлари оқ либос кийиб юрганлар. Кунларнинг бирида Зардушт 30 нафар коҳини билан Эрон шоҳи Гуштасп ҳузурига киради. Шоҳ Зардушт ва унинг шерикларини доно вазири Жомасп бошлиқ 30 нафар салоҳиятли олимлари томонидан имтиҳон қилдиради. Имтиҳонда меҳмонлар дин, коинот, турли элу элатлар, урфу-одатлар хусусидаги саволларга Ахура Мазда таълимотлари асосида жавоб бериб, мезбонларни лол қолдиради ва уларнинг барчаси Зардушт динини қабул қиладилар. Имтиҳондан сўнг Гуштасп ва унинг аъёнлари ҳам янги динни эътироф этадилар [2.11].

Шоҳ Гуштасп фармони билан зардуштийлик дини бутун мамлакатда жорий қилинади. Айни пайтда Зардушт ва уламолари томонидан “Авесто” матнлари 12 минг ҳўкиз терисидан қилинган қоғозга олтин сувида кўчирилиб, шоҳ хазинасига топширилади. Бизгача 21 та китобдан иборат “Авесто”нинг фақат 5 тасигина етиб келди холос.

Давлат тақдири учун зардуштийликнинг аҳамиятини англаган шоҳ Гуштасп Зардушт раҳбарлигида барча шаҳару қишлоқларда ибодатхона (оташкадалар) қурдиришга фармон беради. Ана шундай салобатли оташкадалардан бири 554 йили Балх шаҳрида қурилиб, унинг очилиш маросимида Зардуштнинг ўзи ҳам қатнашади. Ибодат пайтида Турон шоҳи Аржасп айғоқчиси Братарвахш томонидан ваҳшиёна ҳалок қилинади.

Зардушт инсоният тарихида илк яккахудолик динини кашф қилиш билан ўз номини абадийлаштиради. У асос солган дин инсониятга диний-лик ва дунёвийлик уйғунлашган ҳайратланарли қадриятларни берди. Бу қадриятларнинг ўзагини эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал ташкил қилади. Шунинг учун ҳам нуфузли авестошунослар Зардуштни шарқ фалсафасига ахлоқ категориясини олиб кирган донишманд, деб таърифлайдилар.

Дарҳақиқат, “Авесто”нинг “Вендидод” (Девларни узоқлаштирувчи) қисми “Қонун” ёки “Девларга қарши низом” маъносини билдиради. Унинг барча боблари ахлоқий-маърифий масалалар талқинига бағишланган бўлиб, минтақамиз халқларининг бундан уч минг йил олдинги табиий ва ижтимоий соҳаларга, айниқса, ахлоқшунослик, таълим-тарбияга оид қимматли қарашлари ифодасини топган.

Бугунги авлод учун аҳамиятсиздек туюлиши мумкин бўлган қуйидаги воқеага диққат қилайлик. Кунларнинг бирида Зардушт оломонга эргашиб парастишгоҳ (кушхона)га бориб қолади. Унинг ўртасида қўлларида ханжар ва пичоқ ушлаган ўнтача коҳин ашула айтиб, рақс тушиб, қўйларга ташланишибди. Жониворларнинг дуч келган жойига тиғ уриб, ўлдиришибди. Парастишгоҳ ҳайвонлар мурдасига тўлиб кетибди. Бу жой қурбонлик ўтказиладиган жой экан. Бундай шафқатсиз ҳодисалар Зардуштнинг – бўлажак дин ва қабила пешвосининг дунёқараши шаклланишига кучли таъсир қилади. У ҳайвонларни азоблаб ўлдиришни ман қилиб, уларни ҳозиргидек бўғзидан сўйиб ўлдиришни жорий қилади. Уруғ-қабилаларараро қонли низоларга чек қўйиб, ўзаро зиддиятларни тинч, сулҳ тузиш йўли билан ҳал қилишни қонунлаштирди.

Зардушт ўз ваъзларида инсонларни текинхўрликка, золимликка, жоҳилликка, адолатсизликка, урушларга ва бошқа иллатларга қарши курашга чақирди. Уларни ўзаро ҳамжиҳатликка, фаровонлик учун ҳалол меҳнат қилишга, юксак фазилатли бўлишга, табиатни асраб-авайлаш, пок сақлаш ва севишга, соғлом оила қуриш, комил фарзандлар тарбиялашга чақирди.

“Эй ватандошларим. Эй маздапарастлар, қариндош-уруғларим! – дея хитоб қилади Зардушт. – Ахура Мазда эҳсони ва хушбахтликка етмоқ учун ягона тангрига юз буринг! Эй парвардигор, ҳаммамиз сенинггина номаларингнинг пайғамбарлари бўлайлик. Сенинг ва сен кўрсатган тўғри йўл душманларини ўзимиздан узоқлаштирайлик” [4.161].

Зардуштнинг одамларни ҳақиқатчи ва ростгўй бўлишга ундаган даъватлари барча даврлар учун аҳамиятли. “Авесто”нинг “Гоҳлар” (Қўшиқлар) ида илм-маърифат тараннум қилинади. Зардушт инсоннинг маърифатли, маънавиятли, билимли бўлиши тарфдори. Унингча, маърифат, билим эгаллаш яхшини ёмондан, чиройлини хунукдан, донони жоҳилдан, покни нопокдан ажрата билиш учун зарур.

“Инсонни хирадманд, тили забонли қилиб яратган Тангрига олқишлар бўлсин, – деб хитоб қилади Зардушт. – У инсонни ёмонликка қарши курашсин уни нест-нобуд этсин деб, барча мавжудотга раҳбар ва сарвар этди” [2.38]. Зардуштийлик эзгуликка интилувчиларни ёвузликка қарши кураш руҳида тарбиялашга оид йўл-йўриқлар тақдим қилади. Зардушт ҳаётда фаол, курашчан, ахлоқи пок, маърифатли, меҳнатсевар инсонни олқишлайди.

“Авесто” матнларида таълим-тарбияга оид назарий ва амалий ғоялар илгари сурилган. Бу ғоялар минтақамизда эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда таълим-тарбиянинг қай даражада ривожланганлигидан далолат беради. Ўғил болаларга ўнлаб қуроллардан фойдаланиб жанг қилиш санъати, чорвачилик сирлари, қиз болаларга юнгдан ип йигириш, чархдан фойдаланиб кийим

тикиш ўргатилган. Зардуштийлик кенг тарқалгач, давлат тасарруфида мактаблар, юқори ўқув юрти типидаги билим юртлари ташкил қилинади. Таълим тизими яратилади. Ўқув юртларида риёзат, астрономия, тиббиёт, жамиятшунослик фанлари ва зардуштийлик ўқитилади. Диний фанлар ўқувчиларда маънавий-ахлоқий дунёқарашни, дунёвий фанлар эса одам, олам ҳақида тасаввурларни шакллантиришга хизмат қилган.

Таълим мактабини битирган ёшларнинг оқ матодан кўйлак, чакмон кийиши, белига камар бойлашлари расм бўлган. Оқ матодан кийим кийиш иймон, ахлоқ, покликнинг рамзи сифатида тушунилган.

Зардуштийликда устоз ва мураббийларнинг зиммасига катта масъулият юклатилганлиги алоҳида ва қайта-қайта қайд қилинади. Улар билими ва маънавиятига қараб яхши ва ёмон тоифаларга ажратилган. “Авесто”да таъкидланишича, яхши устозлар соғлом, ақл-хушли, жасур, доно ва турли динларни биладиган, элни бало-қазолардан ҳимоя қила оладиган ўғил-қизларни, яхши келажак, порлоқ ҳаётни равшан кўзи билан кўра оладиган авлодни тарбиялайди [2.70].

Зардуштийлик китобида қизлар тарбиясига жиддий эътибор бериш талаб қилинади. “Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму дониш ўрганишга жиддийроқ киришсинлар”, дейилади “Авесто”да. Зероки, улар ота-она хонадонида бўлган пайтда ота рўзғорини тартибга солиб, зийнат бериб борсалар, жуфти ҳалоли манзилига боргач, келажак насл тарбияси билан машғул бўлмоқликлари лозим бўлади [2.71].

Зардуштийликда эзгуликнинг ёвузликка, ёруғликнинг зулматга, адолатнинг адолатсизликка, хақиқатнинг ноҳақликка қарама-қарши қўйилиши яхши ва ёмон устозлар талқинида ҳам кўзга яққол ташланади. Ёмон устоз ҳаёт чироғини сўндиради. Улар жоҳилларни буюк билиб, энг мўътабар аёлу эркакларни тангри йўлидан қайтарадилар. Улар ўз нодонликлари билан халқни энг яхши хислатлардан юз ўгиртирадилар. Жаҳон халқларининг ҳаётини ёлғон гаплар билан паришон қиладилар [2.72].

“Авесто”нинг таълим-тарбия тўғрисидаги таълимотлари бу соҳанинг кейинги давр ривожи учун туртки бўлди ва бугунги кун педагогикаси, таълим-тарбияси учун ҳам аҳамиятини сақлаб келмоқда. Агар “Авесто”га оила мустаҳкамлиги, обод турмуш тарзи, соғлом авлод нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, унда ушбу масалалар бўйича давримиз учун ғоят аҳамиятга молик қадриятлар тизимини кўрамиз.

“Авесто”да аёлларни шарафловчи кўплаб қўшиқлар учрайди. Айниқса, оилада аёлларнинг эрлар билан тенг ҳуқуқлилигига оид қўшиқлар диққатни тортади. Уларга қараганда, зардуштийлик даврида жамиятнинг барча соҳаларида икки жинс вакиллари хуқуқда тенг бўлган. Соғлом оила ва унинг фаровонлигини таъминлашда аёлнинг ўрнига алоҳида аҳамият берилган. Балоғатга етган йигит ва қизларнинг оила қуриши шарт бўлган.

“Эй Спитамон Зардушт! Мен оилали эркакларни оиласиз мардлардан кўра муҳтарам тутаман. Кимда-ким балоғат ёшига етган йигитнинг уйланишига моддий ёрдам берса, унга бу дунёю у дунёда савоб ёғдираман, уйланиш, оила қурмоқчи бўлган ҳар бир кишига йўл кўрсатмоқ ва моддий ёрдам бермоқ ҳамма халқларнинг вазифасидир”, дейилади “Авесто”нинг “Вендидод” қисмида [2.111].

“Авесто”га кўра, оила қуришда қиз ва йигитнинг, ота-онанинг розилиги талаб қилинган. Хотин устига хотин олиш ва эри туриб бошқа эр билан ошиқ-маъшуқ бўлиш, зино қилиш қатъиян тақиқланган. Бу низомни бузган аёл ҳам, эркак ҳам қатл қилинган. Ҳайз кўрган ва хомиладор аёлларга алоҳида ғамхўрлик қилиш талаб қилинган. Уларни ранжитиш, яқинлик қилиш тақиқланган. Яқин қариндошларнинг никоҳ қилиши ман этилган, насл поклигига эътибор бериш талаб қилинган.

Кўринадики, зардуштийлик ўз даври учунгина эмас, балки узоқ келажак авлодлар учун ҳам ғоят аҳамиятли таълимотлар мажмуини мерос қолдирган. Бу мероснинг турли фан тадқиқотчилари томонидан ўрганилиши ва амалиётга татбиқ қилиниши хайрли иш бўлиши шубҳасиз.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Ҳомидий Ҳ. “Авесто”дан “Шоҳнома”га. –Т.: Шарқ, 2007.
3. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Авесто. – Т.: Шарқ. – 2001.

Андижон давлат университети,
2013 йил 24 августда қабул қилинган.
(Тақризчи: ф.ф.д. Т.Ортиқов)